



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2010 йил 8 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 67 (11.628)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI аср **садоси**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий шаҳрида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари томонидан Баркамол авлод йилига бағишланган «Биз — бир жамоа!» ёшлар акцияси ўтказилди. Тадбир давомида шунингдек, ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда «Наврўз — буюк қадрият» мавзусида семинар уюштирди.

● Баркамол авлод йили муносабати билан Қорақалпоғистонда кураш бўйича ёшлар мусобақалари бўлиб ўтди. Унда юздан ортиқ ёш курашчилар ўз маҳоратларини намойиш этди.

● Қашқадарё вилоятининг Косон ва Касби туманларида иккита янги қишлоқ врачлик пунктлари фаолият бошлади.

● Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги «Пахтаобод» пахта тозалаш корхонаси ва Бобур номидagi паррандачиликка ихтисослашган акциядорлик жамиятида касаначилик асосида 208 та янги иш ўрни яратилди. Яқинда туманда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида эса 500 га яқин фуқаро иш билан таъминланди.

● Қарши шаҳрида фаолият бошлаган «Орзу» савдо мажмуасида мингта яқин доимий иш ўрни яратилди. Янги мажмуа 837 та дўкон ва савдо растаси, 7 та супермаркетдан иборат бўлиб, унда шунингдек, 80 ўринли шинам чойхона, 10 дан зиёд турли хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд. Бу ерда истеъмолчилар нақд пул ва пластик карточкалар орқали савдо қилишлари мумкин.

● Янгиер шаҳар Бандликка кўмаклашувчи маркази ташаббуси билан ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ушбу тадбирга иш билан банд бўлмаган фуқаролар ва касб-хунар коллежларининг битирувчи курсларида тахсил олаётган ўқувчилар тақлиф қилинди. Тадбир якунида 55 кишига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди ва олти киши ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб қилинди.

● Қаршида «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туманлар ва Қарши шаҳридаги мактабларнинг 5-9-синфларида таълим олаётган 155 нафар ўқувчи иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Мўғулистон пойтахти Улан - Баторда ўн мингдан ортиқ киши иштирокида норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишчилар шаҳарнинг марказий кўчаларига чиқиб, парламентни тарқатиб юбориш, шунингдек хорижий ҳамкорларга сотилган хом ашёдан тушган маблағларни аҳоли ўртасида адолатли тақсимлашни талаб этдилар.

● АҚШнинг Чарльстон шаҳридан 50 километр жанубдаги кўмир шахтасида кучли портлаш юз берди. Бахтсиз воқеа оқибатида 25 нафар кончи ҳалок бўлди, тўрт нафари бедарак йўқолди. Маълумотларга кўра бу портлаш сўнгги 25 йил ичида АҚШ шахталарида содир бўлган энг йирик ҳалокатдир.

● Бразилиянинг энг катта шаҳарларидан бири Рио-де-Жанейрода рўй берган сув тошқини туфайли юзга яқин одам ҳалок бўлган, ўнлаб кишилар бедарак йўқолган. Ушбу табиий офатнинг келиб чиқишига 36 соат давомида тинимсиз ёққан ёмғир сабаб бўлган. Шаҳар мэри Эдуардо Фоес барча мактабларни ёпишга буйруқ берди ва аҳолини уйлари тарқ этмасликка чакирди.

● Америка миллий космик агентлиги — НАСА томонидан олиб борилган кузатувлар натижасида шу йил 27 февраль кунини Чилида содир бўлган 8,8 балли zilzila, Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш вақтига жиддий таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Реактив ҳаракатлар лабораторияси тадқиқотчиси Ричард Гроссинг фикрича, бу табиий офат сайёраимиз аҳолисидан 1,26 микросони вақтни тортти олган ва Ер ўқини ўз жойидан тахминан 8 сантиметрга siljlitган.

● Жорий йилда Римда икки минг йиллик тарихга эга Колизей биносини таъмирлаш бўйича лойиҳа амалга оширилади. Таъмирлаш ишлари бир йилга қадар давом этади ва унга тахминан 20 миллион евролик маблағ талаб этилади. Таъмирлаш ишларига маблағни Италия ва бошқа мамлакатлардаги хусусий ҳомийлар ажратиши белгиланган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

САНОАТИМИЗ РИВОЖИДА ЯНГИ УФҚЛАР ОЧАДИ

«Ўзэкспомарказ»да кеча Марказий Осиё саноат ҳафталиги доирасида ихтисослашган «Industrial Expo Uzbekistan» халқаро кўргазмалари иш бошлади.



Саноат ҳафталигида «MashExpo Uzbekistan», «Лаборатория-Экспо», тоғ-кон ускуналари, ихтисослашган чиқиндиларни қайта ишлаш, энергетика ва кимё йўналишларида кўргазмалар иш юритмоқда.

— Халқаро ихтисослашган кўргазмалар фақат намойиш майдони эмас, балки ишлаб чиқарувчилар ва буюртмачилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, хорижий сармоядорларни жалб этиш, ўзаро манфаатли музокараларга киришиш учун ҳам қулай имкониятдир, — деди Савдо-саноат палатаси экспорт ва савдо-саноат кўргазмалари ҳамда ярмаркаларни ташкиллаштириш бўлими бошлиги Дилшод Расулов.

Кўргазмаларни айланар эканмиз, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга Германия, Польша, Беларусь, Россия, Хитой, Япония, Чехия, Швейцария, Туркия, Украина каби жаҳоннинг кўплаб давлатларидан етакчи компания ва фирмалар ўз маҳсулотлари билан қатнашаётганининг гувоҳи бўлдик. Кимё, нефть кимёси саноати учун хом ашё ва ускуналар, лаборатория жиҳозлари, локаль маҳсулотлари, бургулаш техникаси, юк машиналари, кончиллик технологияларига оид бўлимларда ихтисодиётимизнинг соҳа ва тармоқларида эришилган ютуқлар кенг намойишга қўйилган бўлиб, ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айтиш жоизки, тоғ-кон мавзусига бағишланган ихтисослашган кўргазмага алоҳида ўрин берилган. «Навоий кон-металлургия комбинати», «Олмалик кон-металлургия комбинати», «Ўзбекўмир» очик акциядорлик жамиятлари фаолиятлари тимсолида юртимизда

ушбу соҳа салоҳияти кенг қўламда намойиш этилмоқда. Хориж компаниялари ҳам янги техника ва технологияларини тақлиф этмоқда.

Саноат ҳафталиги доирасида машинасозлик, энергетика, кимё-лаборатория, чиқиндиларни қайта ишлаш кўргазмасига ҳам қизиқиш катта. Бу ерга ташриф буюрувчилар ушбу соҳалар, уларга алоқадор турдош йўналишлар ривожига ҳақида янгиликлардан воқиф бўлиш имкониятига эга.

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар, техника ва ускуналарни намойиш этаётди. Кўргазма доирасида етакчи мутахассислар иштирокида турли мавзуларда семинар-йиғилишлар, хорижий компаниялар билан таништирув маросимлари ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга йўналтирилган Марказий Осиё саноат ҳафталиги янги уфқларни очишига шубҳа йўқ.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: кўргазмалардан лавҳалар
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

АВСТРИЯЛИК САЙЁҲЛАР УЧУН «ҲАВО КЎПРИГИ»

Марказий Европадаги етакчи сайёҳлик компанияларидан бири «Gta-skyways» Ўзбекистон Республикасининг Венадаги элчихонаси кўмагида мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳатга бағишланган кенг қўламли туристик лойиҳани амалга оширишни давом эттирмоқда.

Яқинда Австриянинг йирик савдо тармоқлари ва интернет-даги муайян веб-сайтларида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги реклама кампанияси ўтказилишидан олдин тўпланган 186 нафар йўловчидан иборат бўлган самолёт чартер рейс билан Ўзбекистонга илк сафарни амалга оширди. Ушбу мавсумда ҳаммаси бўлиб минг нафардан зиёд австриялик сайёҳларга хизмат кўрсатилади, келгуси йилда эса, чартер рейсларни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларидан фойдаланиш ҳисобига янада кўпайтириш режалаштирилмоқда.

«Gta-skyways» лойиҳасининг раҳбари Михаэль Боумгартернинг таъкидлашича, бугун бутун дунёда сайёҳлик саноати талаблари ортиб бормоқда. Ахир туризм нафақат меҳмонларни жойлаштиришдан иборат, балки дам олиш ва экскурсия дастурларини амалга оширишни ҳам ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш самолётнинг зинасидан бошланиб, сайёҳнинг ўз она ватани аэропортига қадам қўйишигача давом этади.

(Давоми 2-бетда.)

2010 йил — Баркамол авлод йили

Мутахассисларнинг таъкидлашича, узоқ ва соғлом умр кўриш учун истеъмол қилинаётган озиқ-овқатлар таркиби фойдали моддалар ва микроэлементларга бой бўлиши лозим.

ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Темир, йод сингари моддалар, фоллий кислотаси ва турли витаминлар бунда муҳим ўрин тутди. Инсониятнинг бу борадаги эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш мақсадида дунё амалиётида озиқ-овқат маҳсулотларини темир, йод ва фоллий кислотаси билан бойитиш чора-тадбирлари кенг қўлланилади.

Мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, халқимиз саломатлигини муҳофазалаш давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов юритаётган оқилона сиёсатнинг устувор йўналишини ташкил этади. Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини мунтазам назорат қилиш ва ҳавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси шакллантирилган.

Турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётган бундай хайрли ишларни янада тақомиллаштириш мақсадида жаҳондаги нуфузли молия муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда озиқ-овқат маҳсулотларини фойдали микроэлементлар билан бойитиш, чақалоқларни кўрак сuti билан озиқлантириш, болаларни ва туғруқ ёшидаги аёлларни витаминлар, шифобахш препаратлар билан таъминлашга йўналтирилган миллий дастур ва лойиҳалар бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётди. Бундай лойиҳаларни изчил давом эттириш, мамлакатимизда аҳолининг овқатланиш даражасини янада яхшилаш мақсадида 2009-2011 йилларга мўлжалланган миллий стратегия амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида мазкур миллий стратегия доирасида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, му-

тахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комиллов юртимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимига олиб борилаётган ислохотлар юксак самара бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу борада амалга оширилаётган ижтимоий лойиҳалар, мамлакатимиз тиббиёт илми ютуқларини ва жаҳон тиббиётининг илғор тажрибаларини амалиётга татиқ этиш бўйича бажарилаётган тадбирлар оналар ва болалар саломатлигини асраш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат қўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

Аҳолининг овқатланиш даражасини янада яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган миллий стратегияда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татиқ этилиши аҳоли, хусусан, оналар ва болалар ўртасидаги кам-онлик хасталигини кескин камайтириш, йод этишмаслиги туфайли келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш, миклатимиз генофондини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида бундай хайрли ишлар янада кенг тус олаётди.

Тадбирда мазкур миллий стратегия бўйича бажарилаётган ишлар самараси атрофида таҳлил этилди. Халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни юксалтириш, рационал овқатланиш янада яхшилаш мақсадида 2009-2011 йилларга мўлжалланган миллий стратегия амалга оширилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.


✓ **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институтида талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати «Одам савдоси, чет элда ноқонуний ишлашнинг салбий оқибатлари ва унинг олдини олиш» деб номланди.

✓ **КЕЧА** Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясига бағишлаб туман фаоллари, ёшлар иштирокида ўтказилган семинар Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан уюштирилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон тарихи Давлат музейида Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими, Юнусобод туман Маънавият ва маърифат Кенгаши, «Ўзбекино» миллий агентлиги, туман

маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 674 йиллигига бағишланган «Соҳибқирон Амир Темурга таъзим» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун



БЕБАҲО ТАРИХИЙ АСАР

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ўз бошқарув тизимида ўтмиш анъаналарига, ўзларига қадар давлат қурган, элни бошқарган улуг арбобларнинг тажрибаларига таяниб иш кўрганлар. Бунинг исботини буюк саркарда ва юрт эгасининг қўшни мамлакатларга йўллаган ёрликлари, унинг тузуқларидаги маълумотлардан, ўша замон тарихчиларининг Темур ва темурийлар фаолиятига бағишланган асарларидан топамиз.

“Темур тузуқлари” асарида давлат бошқарувида қонун устуворлигини белгиловчи шундай сўзлар бор: “Салтанатни бошқаришимда урған ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида адо этдим”. Султон Темурбек қурган давлатнинг бошқарув тизимини ўрганишда бош манба ўрнида турочи асарда келтирилган ушбу қайтлар юрт эгасининг ўз тилидан айтилмоқда. Асарни ўқишда давом этамиз: “Дину шарият ишлари тузуқини тартибга келтирганимдан кейин, салтанатим корхонасининг тузуқини тузишга киришдим. Қонун ва қондаларга (тўра ва тузуққа) таяниб, салтанатим мартабаю этиборини сақладим”. Асардан олинган ушбу парча мазмунидан ҳам Темурбек салтанат бошқарувида “тўра” ва “тузуқ”ка асосланган ойдинлашмоқда. Мана шу ўринда давлатнинг бошқаруви ва идора этиш қонун-қондалар йиғиндисини аниқлаётган “тўра” ва “тузуқ” масаласи бизни айрим эски ёзма манбаларни текширишга ундайди.

Туркий халқлар ўтмишидан сўзловчи VIII юзйилликда яратилган Ҳўхун воқисидан топишган ёдгорликларда “тўра” атамаси “тўру” шаклида келган ҳамда боболаримизнинг қонун ижодкорлиги билан боғлиқ фаолиятини аниқлаган.

Давлатчиликнинг тарихида салтанатнинг бошқарув тизими, қонунлар мажмуаси кейинги сўлодалар замонида ҳам “тўру” атамаси ёрдамида аниқланганини тасдиқловчи далиллар бор.

Ҳокимиятни идора қилиш Темур ва темурийлар сўлоласидан бўлган ҳукмдорлар қўлига ўтиши муносабати билан маълум бир даврларда сўниб қолган маданият ва иқтисодий ҳаётда яна жонланиш, ривожланиш бошланди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳокимиятини мустақамлаш, қўлга киритган юртларини сақлаб қолиш, келажак тараққиёт учун йўл-йўриқлар кўрсатиш, давлат сиёсий-иқтисодий тузумининг усулларини белгилаш, турли иқтисодий табақаларнинг вафосини таъинлаш, давлат бошқарувининг низом-қондаларини кўрсатиб бериш кун тартибидеги масалага айланди. Айнан шу масалани ҳал этиш учун Соҳибқирон Темурбек эски туркий бошқарув анъаналарига содиқ қолган ҳолда, давлатни идора қилиш усулини, сиёсатини, қонун-қондаларини, расму одатларини, ахлоқ меъёрларини ўзида муҳассамлаштирган *низонома*, қомус сифатида “Темур тузуқлари” асарини яратди. Асар олдида қўйилган талаб жуда муҳим эди. Унда юзага келган янгиликлар, уларни мустақамлаш, идора қилиш усуллари, оддий фуқаро (“эл киши”) — Соҳибқирон Темурбек таъбиридан тортиб олий мансаб беклар ва амирлар феъл-атвори қандай бўлиши лозимлиги, давлат қури-

лиши, иқтисод ва ҳўжалик, маърифат ва ободончилик, давлатни мустақамлаш, умуман сиёсий-иқтисодий, иқтисодий, моддий-маданий, ахлоқий-тарбиявий масалаларга ўша давр талаби нўқтан назардан йўл-йўриқлар кўрсатиш, жавоб бериш керак эди.

Султон Темурбек янги давр, янги босқичнинг қонуншунос ва мафқурачиси сифатида мана шу масалаларга жавоб берди. Бу давр қонунчилик ва давлат бошқаруви тизимида ҳам янги босқич саналади. Бу ҳақда ҳокимиятда, мафқурада, маданиятда, маънавиятда, дунёқараишда янги ўзан очилди.

“Темур тузуқлари” асари чингизхонлар ҳукмронлиги емирилиб, ўрнига ерли аҳоли орасидан чиққан кишиларнинг ҳокимият тепасига ўтириши, ўз ҳўкморлигини мустақамлаш учун тинмай кураш олиб бораётган бир даврда ёзилгандир. Шу боис, давлатчиликнинг тарихида қонунлар мажмуаси маъносидан ишлатилган сиёсий атамаси “тўру” — “тўра”, “яса” билан бир қаторда, темурийлар бошқарув тизимида давлатнинг бош қомуси англамиди “тузуқ” атамаси ҳам кўриштирилади.

“Темур тузуқлари” ўз даврининг бош қомуси — конституцияси мақомидеги асар саналади. Соҳибқирон қўруқ тарздаги қонун-қондаларни жамият қатламлари томонидан ўзлаштириш қийин кечишини яхши англаётган. Шунинг учун темурийлар салтанатининг бошқарув институти билан боғлиқ қонунларни тузуқлар қўришишда, баён услубини қўллаган ҳолда ёзган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, XIV асрга келиб Темур давлатида ўтмиш мероси ва бошқарув анъаналари давлат муҳофазасида бўлди. Темурдан сўнг унинг ворислари ҳам ўтмиш анъаналарига оталаридан қолган мерос сифатида ҳурмат билан қараишди. Бу бошқарув тизимининг қонун-қондаларини темурий Бобур Мирзо билан биргаликда Ҳиндистон тўрпоғига ҳам кириб борди.

“Темур тузуқлари” асарини туркий халқлар қонунчилиги тарихидаги буюк асар сифатида баҳолаш керак. У минг йиллар қарғига илдиш отган туркий халқлар дунёқараиши ва давлат бошқаруви анъаналарини ислом мафқураси билан уйғун кесимда туркий халқлар учун ўз илдииздан узилмаган ва ислом дини мафқурасига тўрс бўлмаган давлат бошқаруви тизимини ва туркий қонунчилик мажмуасини яратди.

Қуратгулла ОМОНОВ, Тошкент Давлат шарҳунослик институти кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент

Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида илм-фан ва маданият ривожига катта эътибор қаратган ва бугунги кунда ўша даврдан сақланиб қолган осоритиқаларнинг салобати ҳамда улардаги беэақабат бунинг гувоҳидир.

Самарқандни айланиб, у ердаги темурийлар даврига оид ёдгорликларни томоша қиларкансиз, улардаги қонунларда акс этган нақшлар ва уйғун сингдрилган ёзувларга қараб ҳайратга тушади киши. Ёзувлар араб хатининг мураккаб кўфий ва сулс услубларида ёзилган ва бу бизнинг кўп асрлик тарихимизнинг бир қисми. Бошқача қилиб айтганда, ёзув амалий санъатдан ўрин олди ва унинг тарихий қисмига айланади.

Ўзбекистон халқларининг кейинги минг йилдан ошдиқроқ даврини ўз ичига олган ёзув маданияти тарихи бевосита ана шу даврларда тарқалган араб ёзуви билан боғлиқ.

Араб ёзувининг ривожланиб бориш жараёни бир қанча хат турларининг (куфий, муҳаққак, райхоний, сулс, тавхик, риқоъ, девоний, насх, настаълик) пайдо бўлишига олиб келди ва улар шунчаки ҳаваскорлик кашф қилинган бўлмай, балки қўндалик эътиёбда ўз ўрнига эга эди.

Кўфий ёзуви Ҳўра Осиёда тарқалган дастлабки араб ёзуви саналади ва ушбу хатда кўп қисмида яратилган. Халифа Усмон даврига мансуб кўфий ёзувидаги Қуръони каримнинг кўфий хатида ёзилган нусхалари мавжуд. Шу билан бир қаторда олий иморатлар, мақбаралар биткиларида ҳам кўфий хатидан фойдаланганлар. Кўфий ёзувининг геометрик тўғри бурчакли қилиб ифодалангани, яъни кўп қисмида кўра нақшга ўхшаб кетиши, иморатлар биткилари учун айниқса қўл келган. XV асрда Самарқандда барпо этилган Темурийлар даври бунёдкорлиги осоритиқаларидан бўлиши меъморий обидалар — Амир Темур (Тўри Амир), Қозизода Рўми мақбараларида кўфий услубида кўп қисмида битилган.

Маворуннаҳр китобат санъатида кўфий ёзувидан сўнг насх хат услуби кенг қўлланила бошлади ва кўпгина қўлемда асарларнинг насх хатида ёзилгани маълум.

Ёзув турлари ичида энг мураккаби ва кенг тарқалгани сулс ёзуви ҳисобланади, десак хато бўлмайди. Ушбу услубда ёзилган бир гап ёки бир неча сўз, яхлит олиб қараганда, ёзувдан кўра кўпроқ жимжима нақшга ўхшаб кетади. Сулс хати орқали хаттот ўзининг бор санъатини намойиш этган ва шу билан шўхрат қозонган.

Араб ёзувидаги хат турларининг форсий тил муҳитида ривожланиши асосида ўзига хос форсий хат услуби келиб чиқди ва у таълик деб ном олди. Насх ва таълик хатлари қўшилишидан настаълик хат услуби нақшга келди. Бу хат услубида харфлар бир оз қияроқ, ётиқроқ ҳолатда ифодаланган ва хаттотлар учун тез ёзишга қўлай бўлгани сабабли, кенг тарқалган. Унинг расмиёлашган шакли Мир Али ибн Ҳасан ас-Султоний Табризий томонидан Амир Темур салтанатида яратилган.

Хаттотлик санъатида айниқса Соҳибқирон алоҳида эътибор берган, унинг девониде замонасининг энг машҳур хаттотлари ижод қилган. Масалан, Амир Темур етти йиллик юришдан галаба билан қайтган, 1404 йилда Самарқанднинг Кониғид ўлангиде катта тўй беради. Ўша давр тарихчилари Шарафиддин Али Яздий ва Ҳўфиз Абрўнинг ёзишларида, икки ой давом этган бу тантанада Миср, Ифранж (Фарбий Европа), Ҳинд, Дашти Қилчўк, Жата (Мўғулистон), Олтой ва бошқа ўлкалардан элчилар ҳам ҳўзир бўлганлар. Тўй тўгагач, элчиларга рўхсат бериб, уларга кўплаб совғалар улашилган. Соҳибқирон, жумладан, Миср элчисини кўп совғалар билан тақдирлаб, (бу томондан) мавлоно Абдуллох Кешийни бир гуруҳ билан бирга элчи тарзида унга ҳамроҳ қилади ва мактуб

хомийлиғида ва тахрири остида ёзган. Иброҳим Султон китобат бобида кенг савияли саналган ва Қуръони карим нусхалари, китоблар, тўпламлар, шакаралар ва астрономик зижларни турли хат услублари билан кўчирган. Иброҳим Султон қалами билан ёзилган айрим хат намуналари Шероздаги осоритиқаларда ҳўзиргача сақланган.

Темурийлар даври ёзув маданиятида сезиларли из қолдирган яна бир темурий шаҳзода — Мирзо Шохруҳнинг ўғли Мирзо Бойсўнғур (ваф. 1427) эди. Бу шаҳзодининг китобат санъати ривожига қўшган ҳўссаси бекиёвдир. Унинг ҳомийлиғида Ҳўротда хаттотлик, нақш, лавҳ, расм, миниатюра ва бошқа соҳалар юксак даражада ривожланди, кўплаб китоблардан гўзал хўснихат билан нусхалар кўчирилди. Унинг хаттотлик соҳасидаги қалами ҳам айниқса сулс хат услубида беназир эди. Унинг раҳбарлиғида Ҳўрот хаттотлик мактаби шаклланди ва жуда кўп моҳир хаттотлар етишиб чиқди. Аҳмад Рўмий, Шамс Бойсўнқорий, Дарвеш Мўхаммад Токий Ҳўрайий, Нури Камол, Ҳўжи Мақсуд, Мирзо Мирали Кўр, Мавлоно Маъруф, Мўхаммад Котиб, Султон Али Кўйиний, Абдул Жамил, Султон Мўхаммад Хандон, Мавлоно Дарвеш Мўхаммад Самарқандий, Абдурахмон Баркий Мўнший Бўҳорий, Ҳўжи Абдуллох Марварид Баёний кабилар темурийлар даври хўснихат санъатининг етук намояндлари бўлганлар.

Темурий шаҳзодалардан яна бири Султон Ҳўсайн Бойқароний ўғли Бадиуззамон Мирзо (ваф. 1514) ҳам бир неча хатда, айниқса настаъликда етук маҳорат соҳиб саналган.

Темурийлар даври китобат санъатининг ўзвий давоми Заҳириддин Мўхаммад Бобур (1483-1530) томонидан яратилган ва бобурий хат номи билан танилган махсус хат услубида ўз аксини топган. Мазкур хат услуби Бобур томонидан жорий қилинган бўлиб, унда араб алифбосининг харфлари кўпроқ туркий тил қондаларига мослаштирилган, бирмунча содда ифодаланган.

Ҳўзирги вақтда бобурий хатда ёзилган айрим ёзма ёдгорликлар мавжуд”. Жумладан, Эроннинг Машҳад шаҳридаги Остони қудси ризво клубхонасида сақланаётган “Мўхсафий Бобурий” номли Қуръони каримнинг нусхасидан айрим лавҳалар бор.

Темурийлар тарихи Давлат музейида айни кўнларда ташкил этилган “Темурийлар даври ренессанси” номли кўргазма-инибор бир бўлимида ҳам ана шу китобат санъати намуналари намойишга қўйилган. Унда темурий даври фан ва маданият тарихи, жумладан, китобат санъати тарихидан сўзловчи турли экспонатлар — муқова, миниатюра, ёзув намуналари, ўша давр қўлемлари билан танишув мўкин.

Ўз вақтида Соҳибқирон Амир Темур томонидан улугланган хаттотлик санъатининг кейинги асрларда ҳам давомийлиги таъминланди ва мустақиллик йилларида янги баркамол авлод томонидан катта маҳорат билан ривожлантирилмоқда. Уларнинг китобат бобидаги нозик санъати Темурийлар тарихи Давлат музейи беэақабатдан ҳам ўрин олган. Яқиннинг шарофати, деб шуни айтсалар керак.

Омонullo БЎРИЕВ, Темуршунос олим

СОҲИБҚИРОН УЛУҒЛАГАН САНЪАТ

ҳам йўллайди.

“Эни 3 газ, узунлиги етмиш газ (ҳўзирги ўлчовда эни 1,8 метр, узунлиги 42 метр), ҳаммаси олтин сувида, китобат ва хўснихат фазилатида (яғона) мавлоно Шайх Мўхаммад хати билан битилган мактуб йўлланди ҳамда кўплаб подшоҳона бийлоқот-хильят, тож, камар, турли кийим ва матоларни элчи ва хат билан жўнатди”, деб ёзади Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида. Мазкур хат Амир Темур саройининг машҳур хаттоти Амир Мўхаммад Бадриддин қалами билан ёзилган эди. Амир Мўхаммад етти хил хат услуби — сулс, насх, муҳаққак, риқоъ, райхоний, таълик ва таъликча юксак маҳоратга эга бўлибгина қолмай, балки кўфий ва настаълик хатларида ҳам унга тенг келадигани топиламан.

Тарихчи Ибн Арабшўх “Ажоиб ал-мақдур” асарида Амир Темур салтанатида шўхрат топган хўснихат соҳиблари қаторида жожа Бандгир Табризий, Абдулқодир ал-Мароғий ва Тоҳуддин ас-Салмоний номлари, Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида жожа Бандгир Табризийнинг ўғли мавлоно Шайх Мўхаммад, бевосита Амир Темур хизматидаги машҳур китоблардан бири мавлоно Шамсиддин Мўнший исмига қайд этилган. Юқориде эслатилган жожа Абдулқодирнинг дастлаб Амир Темур даврида, сўнгра Мирзо Шохруҳ салтанатида ижод қилгани, шеър, ишро ва хўснихатда танилган шахслардан бўлгани маълум.

Темурий ҳўкморлар ёзув маданияти ривожига хомийлик қилибгина қолмай, балки улардан айримлари ўзлари ҳам яқиниғина хўснихат соҳиб бўлганлар ва бу соҳада талайгина ёзма мерос қолдирганлар. Улардан бири Иброҳим Султон (ваф. 1431) олти хил хат услубини мукамал эгаллаган ажойиб қалам эгаси саналган. У Шероз ва ўша атроф вилоятлар ҳокими эди. Шарафиддин Али Яздий ўзининг машҳур “Зафарнома” асарини бевосита Иброҳим Султон

АВСТРИЯЛИК САЙЁҲЛАР УЧУН «ҲАВО КўПРИГИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Бу борада Ўзбекистон хорижий сайёҳларни жалб этиш бўйича ўзининг стратегиясини мувафқиятли амалга ошириши билан яққол мисол бўлмоқда, — дейди М.Бомгартер. — Мен Ўзбекистонга илк бор бундан йигирма йил муқаддам борганман. Ўша пайтларда мамлакатда туризм соҳаси унча ривожланмаганди, яхши меҳмонхоналар саноклиғина бўлиб, улар ҳам Европа талабларига жавоб бера олмади. Бугунги кунда туризм соҳаси мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг истиқболли соҳаларидан бирига айланди. Сўнгги беш йил давомида биз Венадан Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларига чартер рейсларни ташкил этаётганимиз ва ҳар йили мамлакатда кенг қўламли янгилашилларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз, ҳар томонлама қўлай ва шинам меҳмонхоналарни, автомобиль йўллари, дам олиш объектиларини кўраётимиз. Биз Ўзбекистонда боҳжона назоратдан қисқа фўрсатда ўтишдан бошлаб меҳмонхоналар ва автотранспортга бўлган мижозларимизга кўрсатилаётган сайёҳлик хизматларидан жуда мамнунимиз. Шу билан бирга ўзбекна меҳмондўстликдан ҳам. Шунинг учун ҳам мамлакатингиз европаликлар учун Шарқнинг дарвозасидир.

Австрия сайёҳлик агентликларининг ҳўслорасига кўра, Ўзбекистон жуда улкан сайёҳлик салоҳиятига эга ва нафақат Марказий Осиёда, балки бўгун дунёдаги туризм марказларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги авайлаб-асраб келинган, турли тарихий даврларда барпо этилган кўплаб архитектура дурдоналари сайёҳларни ўзига мафтун этади. Миллий меъморчилик намуналари бўлган кўп асрлик иморатлар бугунги кун архитектураси билан бетакрор уйғунлик касб этган.

“Joe Far Tours” сайёҳлик компанияси вакили Эрвин Фризенбауер жоҳон молиявий-иқтисодий инқирози кечаётганига қарамай, Ўзбекистонга туристик сафар уюштирувчилар сони камаймаганини таъкидлади.

— Маълумки, Австрия туризм юқори даражада ривожланган, ҳар йили ўзининг 3 миллиондан ортиқ аҳолисини хорижий давлатларга саёҳатга жўнатадиган мамлакат саналади, — дейди Э.Фризенбауер. — Ўзбек халқининг ўзига хос маданий-тарихий меросига ҳамда бугунги кунда мамлакатда кенг қўламли ишлотларнинг амалга оширилаётганига қўзиқиб ортиб бормоқда. Бу эса Австриядеги бизнинг йўналишимиз бўйича фаолият юритаётган етакчи сайёҳлик компанияларининг эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

«Жаҳон» АА, Вена

Қарор ва ижро

ЯГОНА ОЙНА МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Пойтахтимизнинг Сергели туманида Ўзбекистонда биринчи ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда интерфаол шаклда давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона ойна марказини очилиш маросими бўлиб ўтди. Марказ Сергели тумани ҳокимлиги ҳузурида фаолият кўрсатади.

Марказнинг очилиш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Х.Мухиддинов мамлакатимизда истиқбол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳаматлиғида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тўз ўғаришлар, ахборот жамиятини шакллантириш, барча соҳаларни компьютерлаштириш ва энг янги ахборот-коммуникация технологияларини амалий фаолиятга самарали жорий этишга доир салмоқли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Аҳолига интерфаол шаклда турли хизматлар кўрсатадиган янги тузилманинг ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Ушбу таъриба лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақжамасининг 2007 йил 23 августда қабул қилинган “Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қўраори ва мамлакатимиз ҳукумати ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури томонидан тасдиқланган 2010-2015 йилларда мамлакатда доир дастурини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилмоқда.

Ягона ойна маркази давлат хизматларини кўрсатиш бўйича янгича ёндашув бўлиб, шу орқали расмиётчилик жараёнларини камайтиришга қўмақлашади. Мазкур янгиликнинг моҳияти шундан иборатки, аҳолига кўрсатиладиган кўплаб давлат ва жамоат хизматлари бир жойда жамланган, фуқаролар эса шу ернинг ўзида қимматли вақтини йўқотмасдан маълумотнома, лицензия, аккредитация ва бошқа хизматлардан баҳраманд бўлиши мўкин. Бу ерда туман газ, иқтисодий таъминот, халқ таълими бўлимлари, энергия таъминоти, соғлиқни сақлаш каби хизматлар мутахассислари, тадбиркорлик фаолиятини рўйхатга олиш бўйича ҳокимлик бўлими ва унинг бошқа бўлимлари ходимлари фаолият олиб боради.

Шуни таъкидлаш керакки, бу ишларга касб-ҳўнар коллежлари битирувчилари ҳам жалб қилинган. Марказ мутахассислари учун ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмаларини мустақамлаш, фуқаролар, жумладан имконияти чекланган кишилар билан амалий мулоқот ўтказиш, уларга хизмат кўрсатиш бўйича тренинг-курслар ташкил этилди.

Марказнинг жиҳозланиши тўғрисида алоҳида тўхталиш лозим. Бу ерда ҳўзирча фуқаролар билан ишлаш учун олтига ойна мавжуд, кейинчалик уларнинг сони кўпайтирилади. Ходимлар учун тўлиқ дастурий таъминотга эга энг янги компьютерлар, мижозлар учун эса сенсорли ахборот киосккари, катта электрон ахборот табло ўрнатилган. Компьютердан мустақил фойдаланишни биладиганлар учун компьютерлар қўйилган алоҳида столлар жойлаштирилган, имконияти чекланган кишилар учун ҳам қўлайликлар кўзда тутилган. Деворларга бу ерда таъриф буюрадиганлар учун фойдалани турли маълумотлар ослган.

Ушбу ташаббуснинг амалга оширилиши натижасида марказ фуқароларнинг талабларини қабул қилиб олиши, турли давлат органлари билан мустақил ҳамкорлик қилиши, сўнгра фуқароларга тайёр ҳўжатларни тақдим этиши мўкин. Марказ биносида давлат бошқаруви тўлаш, турли пуллик давлат хизматларини амалга ошириш учун банк бўлими очилган. Энди тумандаги ҳар бир фуқаро ортиқча оворагарчиликларсиз, вақтини беҳуда йўқотмасдан ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолияти, солиқ бўйича масалаларни ҳал этиши, давлат кўчмас мулк кадастри, коммуна, иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан маълумотлар олиши мўкин. Бу ерда яна ўнлаб хизмат турларини кўрсатиш режалаштирилган бўлиб, уларнинг аксарияти интерфаол шаклда амалга оширилади. Бунинг учун йигирмадан ортиқ давлат муассасаси жалб қилинган.

Ягона ойна марказини ташкил этишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Сергели тумани ҳокимлиги, шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури “Ўзбекистон Республикаси ҳўкуматида мамлакатни ривожлантириш учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмаклашиш” (ICTP) лойиҳаси билан иштирок этди.

Лойиҳанин мувафқияти уни мамлакат микёсида кенгайтириш мўкинлигини далилат беради.

В.НИКОЛАЕВ, В.АКО Мўхбир

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛДИ

Марказий темрийўлчилар маданият саройида ташкил қилинган меҳнат ярмаркасида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компанияси тасарруфидаги ўндан ортқ корхона ва муассаса вакиллари ўз тақлифлари билан қатнашдилар.

Жумладан, «Ўзтемирйўлтаъмир» корхонаси пайвандчи, автоқан машинаси ҳайдовчиси, металл эритувчи, моделчи мутахассислари бўйича бўш ўринлар учун шартнома тузди.

Олий ўқув юртлари битирувчилари ҳам тадбир чоғида ўз мутахассисликлари бўйича ўзаро келишувга эга бўлдилар.

Ёш кадрларнинг бир гуруҳи эса «Ўзбекистон темир йўллари» корхонаси тасарруфидаги Ахборот-ҳисоблаш марказида меҳнат фаолиятларини бошлади.

Ақбар АЛИЕВ

Наврўз шукуҳи

МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

Учтепа туманидаги «Қуйи Дархон» маҳалласи шахримиздаги намунали маҳаллалардан бири ҳисобланади. Айниқса бунда фуқаролар йиғини раиси Садриддин Шамсиевнинг ҳўссаси катта.

«Қўли гул ҳамшира» каби еттига номинация бўйича ўтказилган танлов ғолиблари ҳам тақдирланди.

Маҳалладаги Наврўзи олам байрамнинг кўтаринки руҳда ўтишига Баҳодир Фиёсхўжаев, Қаҳрамон Нурматов, Ақмал Аромов, Махбуба Тошмуҳамедова, Тошбиби Халилова, Абдуҳамид Алимжонов, Баҳодир Мақсудов, Азиза Эшонхўжаева, Валила Гофурова каби фаоллар катта ҳўсса қўшишди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: «Қуйи Дархон» маҳалласида бўлиб ўтган Наврўз байрамидан лавҳа



ЖҲҒТЛИ ЕЛЕҒАСТРЛАР

ДУШАНБА, 12

Ўзбекистон

5.55 Курстувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Ўзбекистон

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

Россия

04.00 «Утро России». 08.05 «Отряд космонавтов». 09.00 Т/с «Срочно в номер»...

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ИЧИМЛИК СУВИ БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ҲАҚИДА

Катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шу...

«Бешкўргон», «Мойкўргон», «Олимпия» мавзела-рида, «Хислат» маҳалласида, Камарнис...

28 апрель соат 9.00 дан 9 апрель соат 21.00 гача

МЧЖ «HORDIQ PRESS» нашри-ёт уйи тугатилиши муносабати билан 2 ой давомида эътироз...

1. Сув бўлмади — Сергели тумани бўйича Чош-тепа кўчасида, Янги Сергели кўчасидан Жўн-арик кўчасигача ва «Жўн-арик», «Навий», «Чоштепа» маҳаллаларида.

Инн: 205325124. Манзил: Тошкент шаҳри, Навой кўчаси, 30-уй. Тел.: 244-26-23

13 апрель соат 9.00 дан 15 апрель соат 21.00 гача

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

1. Сув бўлмади — Юнусобод тумани бўйича 8,9,10-мавзелар, «Зенит» заводи, «Шодлик» маҳалласи, 4-Иссиқлик маркази, «Байтекс» қўшма корхонаси.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчи-лар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

2. Сув босими пасаяди — Юнусобод тумани бўйича 6,7-мавзеларда.

19 апрель соат 9.00 дан 21 апрель соат 21.00 гача

1. Сув бўлмади — Ҳамза тумани бўйича Қон қуйиш маркази, МДС-сервис тиббий клиникаси, 22-Авиация-ҳарбий шаҳарчаси, Тараққиёт 2-тор кўчасидаги 3,5,7,9,11-уйлар, Шароф Рашидов маҳалласи «Ташкилмаш» мавзесининг 4 қаватли уйларида.

26 апрель соат 9.00 дан 28 апрель соат 9.00 гача

1. Сув босими пасаяди — Сергели тумани Йўлдош 1-17-мавзеларида, 8-Иссиқлик маркази, Сергели 1,2,5,7,8-мавзеларида.

2. Сув бўлмади — Сергели тумани бўйича «Қурувчи» мавзеси, Қўйлик-7 мавзеси, «Хонобод», «Янги турмуш» маҳаллаларида.

1. Сув бўлмади — Чилонзор тумани 7-мавзе № 33, № 54-уйларда, Лутфий кўчаси № 57-уй, Озарбойжон элчихонаси, № 9-туғруқхона, Байналмилал кўчаси ва унга туташ кўчаларда.

2. Сув босими пасаяди — Чилонзор тумани бўйича 7,8,9,10-мавзеларда, «Лутфий», «1-Қатортол» маҳаллаларида, Лутфий кўчаси № 6,8,10,93,94-уйларда, Шайхонтохур ва Учтепа туманларида.

5 май соат 9.00 дан 6 май соат 21.00 гача

1. Сув бўлмади — Чилонзор тумани бўйича Ш.Фулмонов, «Катта Дўмбировод», «Кичик Дўмбировод», «Новза Қозиробод», «Ўсмир» маҳаллалари, Фарход, Чилонзор, Дилхуш, Нақшошлик кўчаларида. Метро депоси, № 16-поликлиника, № 131, 188, 232-мактаблар, № 317, 444, 439, 167-мактабга таълим муассасаларида.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.

Маълумот учун телефонлар: 256-10-95, 252-55-78, 252-60-08.

